O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 11 январь, шанба № 6 (1738). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 11 января, 2003 г. № 6 (1738). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г

Йил якунига бағишланди

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акционерлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йил якунига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда «Ўзметкомбинат» бирлашмасида ўтган 2002 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда 2003 йилда корхонага иккиламчи металл хомашёси етказиб бериш режаси муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда қора ва рангли металл парчаларини йиғиш ва қайта ишлашга топшириш ишлари бир маромда бораётгани боис бекободлик металлурглар ўтган йилги режани ортиғи билан бажарди. Корхонага йил давомида 592 минг 502 тонна хомашё етказиб берилди. Маҳсулот экспорт ҳажми 24 миллион АҚШ долларни ташкил этди.

2002 йилнинг август ойида қурилиб фойдаланишга топширилган тўртинчи электр печида олиб борилаётган синов ишлари якунланди. Янги технология асосида қурилган мазкур печь бир йўла юз тонна, йилига эса 500 минг тонна пўлат эритиш қувватига эга. Бу — корхона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини икки баравар оширади. Шу боис 2003 йилда иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва қайта ишлашга топшириш режаси ушбу омилни инобатга олиб, 601 минг 980 тонна қилиб белгиланди.

Таъкидландики, ўтган йили қора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш режаси бажарилган бўлсада, мавжуд имкониятлардан тўлиғича фойдаланилмади. Бунга Қашқадарё ва Жиззах вилоятларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳолбуки, ҳар икки вилоятда ҳам иккиламчи хомашё захиралари етарли. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида тўпланган металл хомашёсини корхонага етказиб бериш борасида учраб турган муаммолар ҳам корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги қайд этиб ўтилди.

Мажлисда вилоятлар, вазирлик ва идоралар, ҳудудий бошқарув ташкилотлари раҳбарлари эътибори яна бир бор иккиламчи металл парчаларини йиғиш ҳамда қайта ишлашга топшириш жадвалига қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш, жорий йилда корхона тўла қувват билан ишлашни таъминлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Лутфулло СУВОНОВ.
ЎзА мухбири.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича Олий Мажлис комиссиясининг Фуқаролик жамияти тизимларини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича кичик комиссияси мажлиси ўтказилди. У «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Мажлис қатнашчилари таъкидлашича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўқкизинчи сессиясидаги маърузасида кўрсатиб берилган мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқади ҳамда жамоатчилик жамғармалари ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бу тузилмалар ҳуқуқ ва имкониятларини кафолатлашдаги ўрнини оширишга хизмат қилади. Бўлғуси қонун жамоатчилик жамғармаларига молиявий-иқтисодий жиҳатдан ўзини мустаҳкамлаш, тегишли соҳаларда давлат тузилмаларига кучли муқобилга айланиш имконини беради. Қонун жамғармаларни тузиш ва рўйхатга олиш тартиби, уларнинг фаолияти, васийлик кенгаши ва бошқа бошқарув органлари ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Жамоат жамғармалари вакиллари лойиҳа бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, жамғармаларни ривожлантиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни кўрсатиб ўтди, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида гапирди.

Бундан ташқари мажлисда кичик комиссиянинг бошқа тадбирлари билан бир қаторда 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш концепциясини қайта ишлаш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Кичик комиссия мажлисида Олий Мажлис депутатлари, қонун лойиҳаси тузувчилари, олимлар ва мутахассислар ҳамда жамоатчилик жамғармалари вакилларининг катта гуруҳи иштирок этди.

(ЎзА).

Ҳамкорликни ривожлантириш учун грант

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) «Ипак йўли» кенгайтирилган ташаббусини амалга ошириш учун 950 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант шаклидаги техник ёрдамни маъқуллади.

Мазкур грант иқтисодий ҳамкорлик орқали Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсиши ва ҳаёт даражасини оширишга кўмаклашишга қаратилган. Бу дастур доирасида асосий эътибор транспорт, энергетика ва савдони ривожлантиришга йўналтирилади. Уни амалга ошириш учун асосий минтақавий лойиҳалар тайёрланади ва ҳамкорлик имкониятлари тадқиқ этилади.

Шунингдек, у ОТБ ва лойиҳада иштирок этаётган мамлакатлар ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши ҳам мумкин.

Бу лойиҳа Озарбайжон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни қамраб олади. Бу мамлакатлар Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлигида (МОМИҲ) қатнашмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари яқин тарихий, этник ва иқтисодий алоқаларга эга. Бу омилларни инобатга олиб лойиҳага Афғонистон ҳам қўшилди. Унинг воситасида Жанубий Осиё билан, айниқса транспорт ва энергетика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқотлар Марказий Осиё республикалари билан Мўғулистон, Синцзян Уйғур автоном округи ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини аниқлаш мақсадида ҳам ўтказилади.

1997 йилдан буён (МОМИҲ) ташаббус тўрт мамлакатдан еттигача кенгайди, бугунги кунда Афғонистондаги воқеалар билан бир қаторда янги тарихий имконият юзага келмоқда, яъни географик миқёсда ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ услубларини ишлаб чиқиш мумкин.

Зеро Афғонистон Марказий Осиё республикалари табиий ресурсларини Жанубий Осиёга экспорт қилиш йўналишини таъминлаши мумкин. Айни пайтда бу республикалар ўз навбатида Афғонистонни тиклаш ва ривожлантириш ишига катта ёрдам кўрсата олади.

Жамшид РАУПОВ.
ЎзА мухбири.

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ 11 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

РАБОТАТЬ ТВОРЧЕСКИ, СИСТЕМНО

Бухарский военный прокурор майор юстиции Равшан РАХИМОВ на этой должности с 1998 года. За это время в гарнизоне значительно сократились негативные показатели видов преступлений.

Как же коллектив, возглавляемый им, смог добиться таких результатов, как пришел к успеху? Давайте пролистаем календарь событий...

«Я СКРЫВАЛ СВОЮ МЕЧТУ»

Ни отец Рауф-ака, работавший парикмахером, ни мать — воспитательница детсада Хамал-апа, ни школьные учителя не подозревали о заветной мечте Равшана, который всей душой стремился стать студентом юридического факультета Ташкентского университета. Он, как и большинство ребят в их классе, учился на хорошо и отлично, как и многие мальчишки хорошо играл в футбол, волейбол, настольный теннис, баскетбол. Да вот только в глаза бросалось, что Равшан еще и большой любитель истории, географии, литературы, особенно ему нравился школьный предмет по государственному праву. Он мог спорить с учителями по тем или иным темам, у мальчишки были свои суждения. И своими вопросами по этому предмету Равшан мог поставить в тупик многих.

Правда, никто тогда особого значения этому не придавал. Думали — обычная юношеская любознательность. Никто не знал, что юноша днем и ночью готовился к выпускным экзаменам в школе и к вступительным в университет. А настойчивости, целеустремленности, трудолюбия, которые он перенял у родителей Равшану было не занимать.

Для многих в поселке Бустон Навоийской области было полной неожиданностью, когда Равшан с радостью сообщил, что успешно выдержал вступительные экзамены и поступил в ТашГУ на юридический факультет...

НЕЛЕГКО БЫТЬ ЮРИСТОМ

В 1975 году Равшан Рахимов закончил юридический факультет ТашГУ и получил специальность юриста-правоведа. И, пожалуй, с этого времени у юноши началась новая полоса в жизни. Он все полученные теоретические знания в университете теперь должен был правильно применять в деле. Ох, как это было нелегко на практике! В этом юноша убедился, когда в тот же год по направлению Республиканской прокуратуры был назначен стажером прокуратуры города Навои, а затем, работая старшим следователем этой же прокуратуры. Нелегко приходилось и на должностях старшего следователя прокуратуры города Бухары и прокурора следственного отдела прокуратуры Бухарской области, начальника отдела по надзору за следствием и дознанием в органах внутренних дел областной прокуратуры (где проработал почти 10 лет). Немало приходилось работать и в качестве прокурора отдела по надзору за следствием и дознанием в органах внутренних дел прокуратуры города Ташкента до 1993 года, а затем старшим помощником прокурора Бухарской области по надзору за исполнением законов в местах лишения свободы.

На какой бы должности ни работал Равшан Рауфович, он всегда превыше все-

(Окончание на 2-й стр.).

● ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

БАЛАНД БЎЛДИ МУҲАББАТНИНГ ҲАРОРАТИ

Подполковник Ботир Абдуллаев сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада Ватан ҳимоячилари куни арафасида меҳмон бўлишган бир гуруҳ ижодкорларнинг таҳрифига бундай баҳо беришимизга тўла асос бор, деб ҳисоблайман. Чунки, бу самимий учрашув халқ ва армиямиз яқдиллигининг яна бир ёрқин кўринишига айланди.



Қисм клубида йиғилган ҳарбий хизматчиларни яқинлашиб келаётган байрам билан табриклаб, дил сўзларини айтишлари учун командир сўзни меҳмонларга — шаҳар ҳокимининг ўринбосари Дилбар Абдуллаевага, шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи майор Бахтиёр Нурматовга ва «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Собир Ўнарга берди. Сўзга чиққанлар посбонларимизни қутлар экан, биринчи навбатда уларга мустаҳкам соғлик, хизмат қийинчиликларини енгиш учун жуда муҳим бўлган қатъиятлилик, ўз бурчларига содиқ қолишларини тилаб, халқимиз тинч ҳаётини муносиб даражада ҳимоя қилишларига тўла ишончда эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Сўнгра концерт дастурига навбат берилди ва санъаткорлар даврани янада қизитиб юборишди. Айниқса, тадбирни катта маҳорат билан олиб борган таниқли артист, «Қизиқчи-91» кўрик-танловининг ғолиби Рустам Мирзалиевга нисбатан аскару офицерларнинг эҳтироми юксак бўлди, десак, асло муболаға қилмаймиз.

Ватанни Она тимсолида кўриб, қалб тўрида сақлаб юрган ҳарбий хизматчиларни хушовоз хонанда Давронбек Аҳмедов ижро этган хоразмча қўшиқ — «Ўғлима ўхшайди овозинг сани» ҳам беҳад тўлқинлантиргани табиий.

Халқ хизматидаги санъаткорларнинг аскарларга армуғон этган муҳаббатга тўла чиқишлари юқори савияда ўтганлигининг яна бир намойишини биз саҳнага хонанда Жалолиддин Дўстмуҳаммедов чиққанда-да кўрдик. Ҳаммаёқда турли рангдаги нур сочувчи учқунлар учирган петарда ёқилганда атроф Янги йил базмига, арча байрамига ўхшаб кетди. Ҳатто, кўтарилган кўм-кўк тутун ҳам ёшларга жуда ёқди. Шўх эстрада қўшиғи тўлқинларида йигитлар, даврага чиқиб, ўйинга тушишди.

Саҳнага чиққан эл севган қўшиқчи Муҳаббат Ғафуровани ҳам зал гулдурос қарсаклар билан қаршилади. Мухлислар олқишидан завқ олган хонанда уларнинг умидларини тўла оқлай олди. Биридан сўнг бири гуллар билан ўртага шошилган аскарлар Муҳаббатни сира саҳнадан туширгиси йўқ эди.

Концерт дастури ниҳоясига етгач, меҳмонлар аскарларга яратилган шарт-шароитлар билан таништирилди. Шу ерда мазкур учрашувни тасвирга олиш учун махсус келишган «Ёшлар» телеканали вакилларининг меҳнатлари ҳам эътиборга лойиқдир. Демак, навбатдаги «Марду майдон» кўрсатуви орқали таассуротларингизни янада бойитасиз, деган умиддамиз.

... Тошкентга қайтиб, автобусдан тушганимизда Муҳаббат Ғафурова ҳамкасбларига қараб: «Эртага Гулистонга кетамиз, демак эрталаб шу ерда учрашамиз», — деди. Демак эртага ҳам кўплаб ҳарбийларнинг кўнгли шодликдан чароғон бўлади.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲИССАСИ КАТТА

Кичик сержант Б. Ҳамроев ҳам командирлари ва сафдошлари ҳурматини қозониб келаётган кичик командирлардан. У гуруҳ командирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилаётган жамоа шу кунларда қизғин олиб борилаётган қишки мавсум ўқув машғулотларида уюшқоқлик билан қатнашиб, ҳарб илмини пухта эгалламоқда.

Бунда, албатта, кичик сержантнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Чунки у шахсий таркибнинг малакали посбонлар бўлиб етишишлари учун барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, самарали ҳаракат қилмоқда.

— Мақсадимиз мамлакатимиз фуқароларининг тинч-осойишталигини ҳимоя қилиш экан, биз бунинг учун куч-ғайратимизни ҳеч қачон аямаймиз, — дейди тажрибали кичик командир. — Бизнинг талаб даражасида хизмат қилишимиз учун бўлинмамизда барча шарт-шароитлар яратилган, жамоамиздаги йигитлар бир-бирлари билан аҳил-иноқ.

Оддий аскар
Нодир ХУДОЙБЕРГАНОВ.

● АКТУАЛЬНОЕ ИНТЕРВЬЮ

В ЦЕЛЯХ УКРЕПЛЕНИЯ ОБОРОНОСПОСОБНОСТИ

Недалек тот час, когда ряды Вооруженных Сил страны вновь пополнятся определенным числом новобранцев. Каким будет это пополнение? Сумеет ли оно занять достойное место в армейском ряду? Ответы на эти вопросы уже сейчас ищут управления и отделы по делам обороны, местные органы власти, общественные организации, словом, все, кто причастен к этому важному в жизни республики событию, учитывая при этом, конечно же, опыт минувшего осеннего призыва, положительные стороны которого, а также выявленные недостатки и стали основной темой разговора нашего корреспондента с начальником Управления призыва и подготовки резервистов Министерства обороны Республики Узбекистан полковником Батыром МИРЗАМУХАМЕДОВЫМ.

— Батыр Исраилович, надеюсь, не открою большой тайны, если скажу, что вот уже на протяжении двух десятилетий ваша служебная деятельность, связана с проведением призывов, а значит имеются возможности для сравнений. Каковы наиболее яркие отличия прошедшей призывной кампании?

— Новшеств в призыве осени 2002 года немало, и все они, забегая вперед, скажу, благотворно сказались на его организации и проведении. В первую очередь хотелось бы обратить внимание на особую значимость Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О повышении ответственности Министерства обороны, Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей, городов и районов за организацию и проведение призыва на военную службу», которое вышло в свет накануне этого ответственного мероприятия. В нем четко были изложены следующие задачи:

— обеспечить высокое качество организации и проведения отбора и призыва граждан для прохождения срочной военной службы с учетом глубокого изучения индивидуальных особенностей каждого из них;

— повысить ответственность местных органов власти, органов самоуправления граждан, управлений и отделов по делам обороны за качественную организацию и проведение призыва;

— повысить персональную ответственность председателей и членов призывных комиссий за законность и объективность принимаемых ими решений;

— привлечь общественные организации к призыву и придать проводимым мероприятиям широкую общественную значимость;

— совершенствовать систему духовно-нравственной и военно-технической подготовки юношей к военной службе.

Исходя из этого мы и строили свою деятельность, стремясь четко выдержать установленный курс.

— И насколько это удалось?

— Должен отметить, что в целом призыв провели на высоком уровне. Четко и скоординированно работали призывные комиссии, меньше нареканий было в адрес медработников, что и позволило обеспечить стопроцентный контингент призывной молодежи. Но количественный показатель не был самоцелью, основное внимание было приковано к качественным параметрам призывников. Думаю, что и в этом направлении нам удалось добиться хороших результатов. По крайней мере, число тех, кого после прибытия в войска пришлось возвращать обратно, сведено до минимума. Плюс ко всему накануне проведения призыва с работниками управлений и отделов по делам обороны были проведены семинары, в ходе которых им давались рекомендации, тщательно анализировались имеющиеся недостатки, что также способствовало нормальному ходу призыва. Нельзя не упомянуть и о значении практической помощи рабочих групп Министерства обороны, которые под постоянным контролем держали проведение призыва. Хорошим подспорьем послужило и тесное взаимодействие с органами военной прокуратуры. Одним словом, комплектование войск молодым пополнением проходило без каких-либо серьезных изъянов.

— В начале нашей беседы вы упомянули о новшествах. Нельзя ли подробнее раскрыть данный аспект?

— К числу наиболее ярко выраженных следует отнести то, что впервые в состав призывных комиссий были включены представители общественного молодежного движения «Камолот», фон-

(Окончание на 2-й стр.).

ПЛАНЕТЫ УЛЬС

Референдум по проекту конституции Чеченской республики и по проектам законов Чеченской республики «О выборах президента Чеченской республики» и «О выборах в парламент Чеченской республики» состоится 23 марта. Такое решение приняла избирательная комиссия Чеченской республики, признавшая в Грозном, собранные инициативной группой по проведению референдума подписи действительными.

***

Инспекторы ООН проверили три объекта в Ираке. Группа инспекторов ЮНМОВИК посетила завод «Маамун», который находится в 40 км к югу от Багдада. По официальной версии, завод производит ракетное топливо, но, как считают инспекторы, на заводе могут изготавливаться ракеты средней дальности, запрещенные к производству в Ираке.

Также международные инспекторы проверили фармацевтическую компанию в пригороде Багдада и несколько складов в Багдаде, относящихся к министерству торговли Ирака.

***

В автокатастрофе в Афганистане погибли восемь человек, десять человек получили ранения. Недалеко от границы с Пакистаном водитель микроавтобуса, следующего из афганского города Спинбулдак в Пакистан, не справился с управлением, в результате этого и произошла авария.

***

Землетрясение силой 5,3 балла по шкале Рихтера произошло на тихоокеанском побережье Мексики поздно вечером в четверг, сообщила национальная сейсмологическая служба. Сообщений о разрушениях не поступало. «Из Акапулько сообщают, что землетрясение ощущалось достаточно сильно, но сообщений о разрушениях не поступало», заявил представитель национальной сейсмологической службы.

***

Правительство ФРГ продолжает выступать за политическое решение кризисной ситуации вокруг Ирака. Об этом свидетельствуют заявления канцлера ФРГ Герхарда Шредера и министра иностранных дел Йошки Фишера. Глава германского правительства, выступая в городе Кесселе, вновь подчеркнул, что решающим остается одно: под его руководством немецкие солдаты не примут участия в военной интервенции. Глава МИД ФРГ в своем выступлении в Берлине указал, что у правительства есть одна цель — «воспрепятствовать войне против Ирака».

***

По мнению экспертов Межгосударственного авиационного комитета (МАК), причиной авиакатастрофы украинского самолета Ан-140 в Иране стало отклонение от установленной схемы захода на посадку. Как говорится в сообщении МАК, из анализа траектории полета следует, что после выхода в район начала маневра для захода на посадку произошло значительное отклонение самолета от установленной схемы захода, приведшее в конечном итоге к столкновению самолета с горой.

***

Инфраструктура военных баз в Батуми и Ахалкалаки после вывода российских военных будет использоваться министерством обороны Грузии. Как сообщил заместитель министра обороны страны Гела Бежуашвили, в то же время, «с учетом размера грузинской армии, ее потребностей, вряд ли понадобится все то, что сейчас занимают российские военные базы». Переговоры о выводе российских военных из этих баз в Грузии возобновятся в конце января.

***

В пятницу в Германии на обледеневшей дороге итальянский грузовик врезался в бельгийский автобус. Инцидент произошел под Мюнхеном, в Альпах, недалеко от границы с Австрией. Грузовик с 40 тоннами древесины потерял управление и врезался в туристический автобус, следовавший во встречном направлении. Еще один грузовик врезался в них, не успев затормозить. В результате аварии погибли три человека — водители грузовика и автобуса и бельгийский турист. Еще 44 человека ранены.

***

Истребитель американско-британской коалиции атаковал пять объектов ПВО в запрещенной для полетов зоне на юге Ирака. По словам центрального командования США, патрулировавший зону самолет открыл ответный огонь после атаки с земли. Ответным огнем истребителя были поражены объекты между Эль-Кутом и Басрой. Самолет не был поврежден и благополучно покинул Ирак.

***

Россия и Япония заявили о своей озабоченности решением КНДР выйти из Договора о нераспространении ядерного оружия (ДНЯО) и призвали Пхеньян отказаться от такого намерения.

«Россия и Япония выражают сожаление и глубокую озабоченность по поводу недавнего развития ситуации в связи с северокорейской ядерной программой и заявлением КНДР о намерении выйти из Договора о нераспространении ядерного оружия (ДНЯО), и отказаться от выполнения обязательств по Соглашению о сотрудничестве и гарантиях с МАГАТЭ», — говорится в подписанном в пятницу в Москве российско-японском плане действий.

(По страницам Интернета).

ДОНИЁРНИНГ КАСБИ ЎЗГАРДИ

Ҳарбий хизматни ташкиллаштиришда, аскарларнинг қисм раҳбарияти томонидан белгиланган режалар асосида фаолият юритишини таъминлашда бўлинма старшинаси, айниқса, муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу лавозимга қўл остидагиларга ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган, ўта масъулиятли, синчков, талабчан ҳарбийларни тайинлашади. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дониёр Ҳакимовни ҳам ана шундай юксак талабларга жавоб берадиган старшиналардан дейиш мумкин.

У катта лейтенант Дониёр Абдуллаев командирлигидаги таъмирлаш батареясида аскарлик бурчини ўтагандаёқ кўпчиликнинг ҳурматини қозонган, қисқа муддат ичида механик-ҳайдовчи, катта механик-ҳайдовчиликдан секция командири лавозимигача кўтарилган эди. Аммо, тижорат коллежининг молия-солиқ факультетида ўқиган бу йигитнинг шартнома бўйича хизматга қолиши кўпчилик сафдошларини ажаблантирган: «Ўқигани қаёқда қолди энди...» — дейишган улар.

Тўғриси, ҳарбийликка ихлоси ошиб, шартнома бўйича хизматни давом эттиришга қарор қилганидан сўнг у ўзига яқин олиб, батарея командиридан маслаҳат сўради. Командир: «Жуда тўғри қилибсан, адаш, мен ҳам сенга хизматни давом эттиришни таклиф қилмоқчи эдим», — дея унинг фикрини қўллаб-қувватлади.

Мана, Дониёрнинг шартнома бўйича хизмат қилаётганига ҳам икки йилга яқинлашиб қолди. Батарея аскарлари эришаётган ҳар бир ютуқда унинг ҳам муносиб улуши бор.

— Аскарнинг таржимаи ҳоли, оилавий аҳволи, феъл-атворини, хизматга муносабатини яхши билсангиз, у ёғи нисбатан осон кўчади, — дейди кичик сержант Д. Ҳакимов. — Старшина барча масалаларда командирнинг яқин ёрдамчиси, ўнг қўли бўлиши керак. Шахсий таркибнинг таъминоти, юриш-туриши, казармадаги тартиб-интизом, таълим-тарбия жараёнига бирдек диққат-эътибор бермасангиз, умумий натижаларга салбий таъсир қилиши аниқ.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Аскарлар билан яхши муносабат ўрнатиш, уларнинг ишончини қозониш учун киши аввало бировнинг хизматини қадрлай олиши, унинг ютуқ ва камчиликларига бефарқ қарамаслиги лозим.

Ҳа, Дониёр ўзаро муносабатларнинг ушбу нозик қирраларини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам у аскарларнинг энг яқин сирдошига, фикрдошига айланиб кетган, десак асло янглишмаймиз. Тўғри, гоҳо батареяда характери оғирроқ аскарлар билан ҳам иш олиб боришга тўғри келади. Бундай пайтда старшина аввал ҳарбий хизмат талабларини, тартиб-қоидаларини босиқлик билан тушунтиради, билмаганларини ўргатади. Ана ундан кейингина талаб қилишга ўтади.

Агар аскар камчилигини, ёмон одатини бартараф этмаса, унда бошқача гаплашади. «Эй, ука, бу камчилигингни йўқотмасанг, ҳарбий жамоадан ажралиб қоласан, хизматдош дўстларинг олдида обрўйинг қолмайди. Эртага хизматдан сўнг маҳаллакўй олдида ёмонотлиқ бўласан. Эл-юртнинг назаридан қоласан. Шунинг учун ҳар бир қадамингни ўйлаб бос», — дея танбеҳ беради. Бундай танбеҳдан сўнг сал бўлса-да, ўзини ҳурмат қиладиган йигитнинг муомаласида, юриш-туришида, ҳарбий хизматга муносабатида ўзгариш бўлмасдан қолмайди.

Кичик сержант Д. Ҳакимовнинг яна бир яхши хислати бор. Вақт топди дегунча, у китоб ўқийди. Тарихга, ҳуқуқшуносликка, одоб-ахлоққа оид асарларни фақат ўзи ўқиб қолмасдан, қўл остидагиларга гапириб беради, уларга ҳам китоб ўқишни тавсия қилади. Илҳоми келганда ҳатто шеър ҳам ёзади.

Хизматга келган олий маълумотли аскарлардан ўз билимини оширишда, машғулотларда фойдаланиши эса унинг ташкилотчилигига яққол мисол бўла олади. Масалан, у оддий аскар Ойбек Ерматовдан инглиз тили, Дилшод Бобоқуловдан ҳуқуқшунослик асослари бўйича сабоқ олмоқда. Қисқача айтганда, улар бир-бирига шогирд, бир-бирига устоз. Балки, старшинанинг қалбидаги олий маълумотли ҳуқуқшунос, тарбиячи офицер бўлиш орзуси ҳам ушбу сабоқлар пайтида туғилган бўлса ажаб эмас.

Дониёрнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари ҳам анчагина. У футбол, баскетбол бўйича биринчи разрядли спортчи. Кузда уч километрга югуриш бўйича қисм биринчилигини қўлга киритган.

Хуллас, ана шунақа старшина Ҳакимов. Айниқса, Ватан ҳимоячилари куни арафасида шундай ажойиб посбонлар билан дилдан суҳбатлашиш, уларнинг ютуқларини газета орқали кўз-кўз қилиш, оз бўлса-да уларнинг, сафдошларининг кўнглига хурсандчилик бағишлаш қаламкашга ўзгача завқ бағишлайди.

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ВА МАТБУОТ

Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси аввал ҳам, ҳозир ҳам республика оммавий ахборот воситаларининг етакчи мавзуларидан бири бўлиб келган. Бугунги кунда республикамизда нашр этилаётган барча газета ва журналлар, телерадиокомпания таҳририятлари мазкур мавзуни баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилаётгани бизларни қувонтиради. Мен бу ерда Мудофаа вазирлиги нашри бўлган «Ватанпарвар», Ички ишлар вазирлигининг «Постда», «На посту», «Қалқон», «Щит» нашрлари, худди шунингдек, айнан ҳарбий мавзуни ёритаётган Ўзбекистон телевидениесининг «Ватанимга хизмат қиламан», «Марду майдон», «Аскар мактублари» кўрсатувлари ижодкорлари хизматини алоҳида таъкидламоқчиман.

Булардан ташқари, «Халқ сўзи», «Народное слово», «Ўзбекистон овози», «Адолат», «Фидокор», «Туркистон», «Правда Востока» каби нашрларда ҳам ҳарбий ватанпарварлик мавзуси, ҳарбийлар хизмати ва ҳаёти ёритиб келинмоқда. Айни кунларда бошқа мавзулар қатори ҳарбий ватанпарварлик мавзусини ҳам барча оммавий ахборот воситаларида кўп қиррали, ҳаққоний ёритиш учун мамлакатимизда тўла ҳуқуқий асослар яратилган.

Ҳарбий хизмат, унинг моҳияти, халқимиз ичида тутган ўрни, ҳарбий бўлинмалардаги ҳақиқий ҳаёт ва аскарларга яратилган шароитлар ва айниқса, Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида халқимиз қанчалик чуқурроқ ва ойдинроқ воқиф бўлсалар, бу барча учун фақат фойда келтириши тайин. Ҳарбий мавзуни ёритиш бошқа мавзуни ёритишга нисбатан бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга эканини ҳарбий мухбирлар, ушбу мавзуда қалам тебратаётган журналистлар яхши биладилар.

Бунинг ўзига хослиги шу билан изоҳланадики, Ватан ҳимоячилари ҳар доим ўз фаолиятларида аниқ буйруқ, Низом кўрсатмаларига, мустаҳкам тартиб-интизом ва вақтга амал қилган ҳолда иш юритадилар. Мана шундай ўзига хос хизматдаги Ватан фахри, миллат кўрки бўлган, ҳар қандай шароит ва вақтда ҳам Ватан ҳимояси, халқимиз осойишталиги ва тинчлиги учун шай турган шердил ва ўтюрак ҳарбийлар хизмати ва ҳаётининг хилма-хил қирраларини бутун мураккаблиги билан ёритиш журналистларимиздан катта маҳорат талаб қилади. Мавзуни теранроқ билиб, уни чуқурроқ тушуниб ижод қилаётган ҳарбий мухбир ва журналистларнинг мақола, тайёрланаётган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлари ўз ўқувчилари, томошабинлар ва тингловчилари қалбидан чуқурроқ жой олади.

Оммавий ахборот воситалари ота-оналар, қолаверса ҳарбийлар билан халқ ўртасидаги энг ишончли алоқа воситаси — бир кўприк эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Шу фикримга бир мисол келтириб ўтаман. Яқинда Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлар» телеканали билан ҳамкорликда тайёрланган «Марду майдон» кўрсатуви эфирга узатилгандан сўнг Қоровул қўшинлари бош бошқармасига келган бир аскарнинг отаси билан суҳбат қилишга тўғри келди. Гапларига қараганда, ўғли Қоровулбозор шаҳридаги қоровул қўшинларига тегишли ҳарбий қисмда хизмат қилар экан. Фарзандини кўриб келиш учун Тошкентдан шу шаҳарга отланиб турганида бирдан ўғлини телеэкранда кўриб қолади. У бир йилдан ортиқроқ хизматдан сўнг ўз фарзандидаги жиддий ўзгаришларни кўриб, унинг сўзларини тинглаб жуда хурсанд бўлади. Ушбу отахоннинг ҳаяжонини, дил сўзларини ифодалаб бериш мушкул.

Айниқса, оддий ўқувчи ва томошабинларга давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларнинг тутган ўрни ва роли, ҳудудий яхлитлигимизда унинг асосий таянч экани, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг асл моҳиятини, бу ислоҳотларнинг тўғри йўлдан кетаётгани ва унинг Ватан осойишталиги, тинчлиги, халқимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилаётганини асослаб, аниқ мисоллар билан етказиш ғоят муҳимдир. Мавзунинг янада долзарб ва оммавий ахборот воситаларида шу кун талаблари даражасида сифатли ёритилиши учун баъзи мулоҳазаларимизни ўртага ташлашни лозим топдик.

Биринчи мулоҳаза шуки, **ҳарбий ватанпарварлик мавзусида қалам тебратиш истаги бор ва бунга лаёқатли ёш журналистларни топиш, тарбиялаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш** даркор. Бу мавзуда ҳамма ҳам муваффақиятли ёзавермаслигини билганимиз боис бу муҳим ташкилий, тарбиявий масала **билан асосан «Ватанпарвар» газетаси шуғулланса**, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган фикрдамиз.

2003 йилнинг биринчи чорагида оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда Қуролли Кучлар тизимида ушбу мавзуда қалам тебратаётган **ҳарбий мухбирлар, матбуот хизматлари ходимлари, журналистлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида амалий анжуман ўтказилса.** Бу келгусида мавзуни янада теранроқ ёритиш ва Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунини халққа ойдинроқ етказиш ишига хизмат килган бўлур эди.

Республика Қуролли Кучларининг ойлик журнали ташкил этилса-ки, ушбу журналда барча Қуролли Кучлар тизимлари хизмати ва ҳарбийлар ҳаётини ёритиб бориш имкониятига эга бўлсак. Зеро, ҳозирда Мудофаа вазирлиги нашри бўлган «Ватанпарвар» газетасида мамлакатнинг барча ҳарбийлари хизмати ва ҳаётини қамраб олиш қийинчилик билан кечмоқда. Ташкил этилажак ушбу журналда Қуролли Кучларнинг барча тизимлари хизмати ва ҳаётини очерк, ҳикоя, лавҳа ва таҳлилий мақолаларда кенгроқ ёритиш имкони бўларди. Худди шунингдек, ҳарбий мавзудаги шеърлар, достонлар, қисса, романларни ва турли бадиий-публицистик асарларни мунтазам нашр этиб бориш мумкин бўлади.

Биз ҳарбийлар **«Ватанпарвар» газетасини севиб ўқиймиз.** Унинг мазмуни ва таҳририятда хизмат қилаётган ижодкор журналистлар маҳорати фақат мақтовга муносиб. Аммо ушбу газетани қўлга олганда ҳар қандай газетхоннинг кўнгли чўккандай бўлади. Бу фикр чоп этилган материаллар мазмунига эмас, балки унинг чоп этилиш сифатига тегишлидир. Биз **газетани** бошқа республика нашрлари қатори **шу кун талаблари** даражасида сифатли чоп **этилиши тарафдоримиз.**

Подполковник
Х. ОЛЛОНАЗАРОВ.
(Ушбу мақола «Хурриият» газетасининг 2003 йил, 8 январь сонидан кўчириб босилмоқда).

В ЦЕЛЯХ УКРЕПЛЕНИЯ ОБОРОНОСПОСОБНОСТИ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

дов «Нуроний» и «Махалля», органов самоуправления граждан, комитета женщин. Цель этого решения предельно ясна — обеспечить гласность, открытость призыва, осуществить эффективность общественного контроля за работой комиссий. Получили путевку в жизнь и повсеместные торжественные проводы призывников, ставшие запоминающимся событием в жизни каждого из них. А в целях осуществления комплекса мер по поднятию престижа и значимости военной службы обеспечивалось регулярное и всестороннее освещение в средствах массовой информации хода призыва.

— Батыр Исранлович, говорить о хорошем всегда приятно, но у медали, как известно, две стороны. Выступая на IX сессии Олий Мажлиса, Президент — Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Абдуганиевич Каримов высказал ряд критических замечаний, напрямую связанных с проведением весеннего призыва. Не повторилась ли эта картина осенью?

— Мы тщательно проанализировали итоги весеннего призыва и извлекли должные уроки. Тогда действительно был выявлен ряд серьезных упущений, над устранением которых немало пришлось потрудиться, и самое пристальное внимание было уделено медицинскому освидетельствованию призывников, для чего привлекались высококвалифицированные врачи, а также создавались альтернативные медицинские комиссии. Резко повысили спрос с должностных лиц, медицинского персонала, привлекаемого к работе призывных комиссий, пытаясь на корню пресечь любого рода попытки неправильного предоставления отсрочки или направления на альтернативную службу, что позволило резко изменить ситуацию к лучшему. И все же говорить о том, что положение дел кардинальным образом изменилось повсюду, пока не приходится. Вызывает озабоченность проведение призыва в Андижанской, Кашкадарьинской, Сурхандарьинской областях. В последней, к примеру, медицинские комиссии были недостаточно обеспечены необходимым оборудованием, инструментами, что не давало возможности получить достоверную информацию о состоянии здоровья призывников. Не везде на местах добросовестно отнеслись к призыву и местные органы власти. Так, в отдельных районах Джизакской, Ташкентской, Кашкадарьинской областей нужные денежные средства не выделялись. Не торопятся некоторые местные начальники и со строительством призывных пунктов. Так в Букинском районе Ташкентской области здание призывного участка до сих пор не достроено, такие же участки в Узунском (Сурхандарья), Акмаль-Икрамовском (Ташкент), Фаришском (Джизак), Шахрисабзском (Кашкадарья), Нуротинском (Навои) районах также сегодня не отвечают должным требованиям. Все это, вместе взятое, вносило определенный дисбаланс в качественное проведение призыва, но Верховным Главнокомандующим и Министром обороны перед нами были поставлены конкретные задачи, решение которых позволит избежать этих досадных промахов.

— А если конкретно?

— Продолжается укомплектование управлений и отделов по делам обороны наиболее профессионально подготовленными и дисциплинированными кадровыми офицерами, имеющими достаточный опыт работы в войсках, на протяжении этого года необходимо внедрить в Министерстве обороны, военных округах, УДО и ОДО автоматизированную систему учета призывных ресурсов для обеспечения полного и достоверного воинского учета допризывного и призывного ресурса, осуществления оперативного контроля за ходом его подготовки к службе в Вооруженных Силах и проведением призыва на срочную военную службу.

— В ходе очередного призыва, наверное, уже будут внесены определенные коррективы, вытекающие из требований принятого в новой редакции Закона «О всеобщей воинской обязанности и воинской службе», в разработке которого, насколько мне известно, вы принимали самое непосредственное участие?

— Как вы уже знаете, сократился срок службы, но это не очень сильно отразится на призыве. Скорей всего, комиссиям предстоит еще более углубленно изучать призывной контингент, поскольку имеется ряд изменений относительно тех, кто пользуется правом отсрочки.

— Батыр Исранлович, наших читателей, уверен, заинтересуют эти положения, так что, если есть возможность, расскажите о них более детально.

— Статья о предоставлении отсрочки, действительно, дополнена. Например, теперь этим правом пользуются те, чей родной брат на день призыва уже проходит срочную военную службу. Расширена и категория граждан, освобождающихся от призыва. В нее входят лица, у которых один из близких родственников (брат, сестра) погибли во время военной службы.

— А имеют ли место изменения, касающиеся альтернативной службы?

— Согласно Закону, теперь на альтернативную службу призывники по состоянию здоровья или семейному положению призываться не будут. Этот вид службы распространяется лишь на тех, чье вероисповедание не допускает службы в Вооруженных Силах, и то только в тех случаях, если они являются членами официально зарегистрированной религиозной организации.

Как видите, нынешний Закон затрагивает все, что связано с прохождением военной службы. В полной мере касается он и системы призыва граждан в Вооруженные Силы, которая должна обеспечить объективные, справедливые, в полном соответствии с Законом условия отбора для юношей, призываемых в армию, способствовать тому, чтобы военная служба стала для них не просто исполнением конституционного долга, но и престижным делом, продуманным выбором своего места в обществе, школой физической, духовно-нравственной и морально-психологической закалки. И к этому мы будем стремиться.

— Спасибо за содержательный рассказ, Батыр Исранович, и успехов вам в вашем труде.

Беседовал подполковник
Ярослав КОРУКА.

РАБОТАТЬ ТВОРЧЕСКИ, СИСТЕМНО

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

го ставил соблюдение законности, никогда не мирился с правонарушениями и оплошностью в работе. Всегда помнил, что за скупыми строками протоколов лежат человеческие судьбы. Он никогда не работал по принципу: «Нарушил закон — получай наказание». Прежде всего интересовался причиной совершения преступления, задавался вопросом, что побудило того или иного человека совершить проступок, какую профилактическую работу проводили работники прокуратуры, чтобы предотвратить правонарушения? Эти и другие вопросы всегда волновали юриста. Вот почему майор юстиции Рахимов всегда повторяет: «Прокуратура — это не орган наказания».

ВОЕННЫЙ ПРОКУРОР РАХИМОВ

В 1998 году майор юстиции Р. Рахимов был назначен Бухарским военным прокурором. За очень небольшой период он добился колоссального сокращения всех видов военных и других преступлений. Красноречивы итоги прошедшего года: преступления сокращены по сравнению с 2001 годом на 31 процент. Вот что говорит об этом сам военный прокурор:

— Прежде всего вся наша деятельность была и будет направлена на создание необходимых условий для службы военнослужащих, чтобы в гарнизоне постоянно проводилась профилактическая работа по укреплению воинской дисциплины, сохранению военного имущества, борьбе с правонарушениями, а также по изучению военнослужащими своих прав и обязанностей, разъяснению им требований законов и общевоинских уставов. Эти профилактические работы проводятся совместно с командованием подразделений, расположенных в Бухарском гарнизоне, руководством других правоохранительных органов. С этой целью в 1999 году был создан Координационный совет, куда входят работники прокуратуры, суда, других правоохранительных органов. Вся его деятельность направлена не столько на борьбу с правонарушениями, преступностью, сколько на их предупреждение.

Укрепление воинской дисциплины, знание воинами уставов и законов играют важную роль в предупреждении различного рода правонарушений и преступлений. Поэтому не случайно за каждым воинским коллективом гарнизона закреплен работник военной прокуратуры, где он работает практически один раз в неделю вместе с командиром и заместителем командира по воспитательной работе, проводит разбор различного рода проступков, совершенных военнослужащими. А раз в месяц такая работа проводится совместно с личным составом воинских частей. Также у нас практикуется заслушивание отчетов заместителей командиров по воспитательной работе, выездные судебные заседания с целью профилактики правонарушений среди военнослужащих. Для своей деятельности мы широко используем и средства массовой информации. Так в прошлом году в своей работе мы неоднократно использовали местные телевидение и радио, газеты. Данная работа проводится не от случая к случаю, а планомерно и целенаправленно. Совместно с хокимиятами, отделами народного образования, районными отделами по делам обороны постоянно держим на контроле вопрос подготовки юношей к службе в армии.

Все эти мероприятия не могут не давать положительных результатов.

Наверное, было бы неправильным не сказать несколько слов о майоре юстиции Рахимове как о руководителе. Он требователен к себе и подчиненным, но вместе с тем он — справедливый и заботливый руководитель. Еще до приема на работу изучает не только анкетные данные своих будущих подчиненных, но и знакомится с их семейным положением, нуждами, бытом. То есть военный прокурор сначала создает все условия для нормальной работы подчиненных, а затем справедливо требует полной отдачи по службе. Также майор Рахимов большое значение придает самообразованию, расширению кругозора своего и сослуживцев. Ежедневно внимательно знакомится с периодической печатью, потому всегда в курсе всех событий в стране и за рубежом. Такого же отношения к работе он требует и от своих подчиненных.

А что думают о нем его подчиненные? Какой он в их глазах? Лучше всего, наверное, послушать их самих...

ГЛАЗАМИ ПОДЧИНЕННЫХ

Старший помощник прокурора старший лейтенант юстиции Шерзод Сандов:

— После юридического института в 1998 году по направлению прибыл сюда. И я очень рад, что именно майор юстиции Равшан Рауфович Рахимов стал моим первым наставником. Все, чего я добился, я достиг прежде всего благодаря ему. Он дал мне не только практические знания, но и научил многим премудростям жизни: например, быть тонким психологом. Благодаря, не побоюсь этого слова, моему учителю я научился ценить каждую минуту, быть аккуратным и подтянутым. Равшан-ака личным примером показывает, как нужно быть, прежде всего, человеком. Если нет проблем с жильем, налажен быт, то и отдача будет соответствующая. А Равшан-ака Рахимов всегда заботится о нас.

Следователь прокуратуры старший лейтенант юстиции Шохин Усмонов:

— Я уже два года работаю вместе с Равшан-ака Рахимовым и горжусь этим. Благодаря ему у всех работников прокуратуры практически нет житейских проблем. Мне в нем нравится такое качество, как альтруизм. Он научил нас к любому делу подходить творчески. Всегда спрашивает, когда заходишь к нему с каким-либо вопросом, какой я сам вижу выход из создавшегося положения. То есть дает возможность самому разрешить ту или иную проблему. Если мы не в силах разрешить ее, поможет советом. И Равшан-ака это делает так аккуратно, тактично, что выходишь из его кабинета с чувством благодарности в душе.

Заместитель прокурора капитан юстиции Ильхом Тешаев:

— В системе военной прокуратуры я работаю более пяти лет. Судьба распорядилась так, что я уже более полугода работаю бок о бок с Равшан-ака Рахимовым. Должен сказать, что он очень большое внимание уделяет профилактической работе, и это с профессиональной точки зрения очень правильно. Обычно для расследования того или иного преступления дается три месяца срока. Но у нас, благодаря Рахимову, дела не «залеживаются». И это очень важно в нашем деле.

ШТРИХИ К ПОРТРЕТУ

Со своей супругой Мавжудой Норовой Равшан-ака воспитали достойных граждан страны: дочь Мавлюду и сына Рахмона. Они им подарили внучку Мафтуну и внука Рустама, которые в будущем наверняка перейдут самые лучшие качества своих родителей.

Нельзя не сказать еще об одной стороне Рахимова. Благодаря ему здесь хорошо поставлена спортивно-массовая работа. По его инициативе создана футбольная команда, которая на различных соревнованиях среди команд работников правоохранительных органов занимает первые и призовые места.

А несколько месяцев назад военный прокурор всерьез увлекся теннисом. В этом виде спорта, как он выразился сам, нравится то, что теннис развивает реакцию, помогает всегда быть бодрым. А в нашей жизни порой приходится принимать мгновенные решения. В этом ему помогают занятия спортом, особенно теннисом. И рабочий день у Рахимова начинается в 6.30 с подъема на зарядку...

Майор
Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

КУЮНЧАКЛИК САМАРА БЕРМОҚДА



Бўлинма командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Шерзод Туробов ижтимоий-сиёсий машғулотларнинг ҳарбий хизматчилар маънавий-руҳий тайёргарлигида, сиёсий онги ошишида, тартиб-интизомни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини яхши англайди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир машғулотга жиддий тайёргарлик кўради, янги газета ва журналларни, китобларни варақлаб, аскарларга кўпроқ маълумот беришга интилади. Албатта, ёш офицернинг куюнчаклиги ўз самарасини бераяпти. У бошчилигида аскарлар синов-имтиҳонларда, машғулотларда ўзларининг билимдонликларини, дунёда, мамлакатимизда, Қуролли Кучларимизда рўй бераётган янгиликлардан хабардор эканликларини намойиш этишмоқда.

Александр МРУЧАК
олган сурат.

Бурчимизни муносиб ўтаяпмиз

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда чақирувгача тайёргарлик дарсларида ҳавас билан қатнашардим. Ўшандаёқ аскар бўлишни орзу қилгандим. Ниҳоят орзуим амалга ошди. Мана, ҳарбий хизматни бошлаганимга ҳам саккиз ойдан ошди.

Бўлинмамизда ҳарб илмини пухта эгаллашимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бизга катта лейтенант Нодир Одилов каби малакали офицерлар сабоқ бермоқдалар. Уларнинг биз — аскарларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан беҳад миннатдормиз.

Шу ўринда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда юқори кўрсаткичларга эришаётган сержант ва оддий аскарларнинг муносиб рағбатлантирилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Чунончи, намунали ҳарбий хизматчиларга Фахрий ёрлиқлар топширилмоқда, қисқа муддатли таътил берилмоқда. Биз қўлга киритаётган муваффақиятларнинг бўлинмамиз шарафини кўтаришга ишонамиз.

Менинг отам Термиз шаҳрида бир неча йилдан буён автобус ҳайдовчиси сифатида ҳалол хизмат қилиб келади. Онам эса жамоа хўжалигида ишлайди. Ёшлигимданоқ отам касбига меҳр қўйганман. Кўпинча узоқ сафарга чиққанларида отам ўзи билан олиб кетардилар. Ўша пайтларда менда ҳайдовчиликка меҳр пайдо бўлган. Еиларида юравериб, техника сир-синоатларини бирмунча ўргандим. Вақти келиб ҳайдовчилик курсида ўқиб, гувоҳномалик ҳам бўлдим.

Ҳозирда жанговар техникаларни бошқариб, ўз Конституциявий бурчимни шараф билан адо этаяпман. Бўлинмамиз шахсий таркиби қишки ўқув мавсумида кўзлаган марраларни забт этиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Биз ҳар биримиз Ватан ҳимоячилари қунини аъло тайёргарлигимиз билан кутиб олишга ваъда бергانмиз. Сўзимизнинг устидан эса, албатта чиқамиз!

Оддий аскар
Исроил ҲИДИРОВ,
Марказий ҳарбий округ.

ФАХР ТУЙҒУСИ

Ойбек деҳқон фарзанди. У ўзи ўсиб-улғайган Урганч туманининг Гулистон ширкат хўжалиги ерларида отаси билан деҳқончилик қилиб меҳнатда суяги қотган. Далаларни, ерни севган одам Ватан тушунчасини, унинг қадрини янада терап идрок этади. Юртининг гуллаб-яшнаши учун фидокорона меҳнат қилади.

2001 йилда ўрта мактабни битирган Ойбек, дастлаб ота-онасига хўжалик ва деҳқончилик ишларида ёрдам бериб оилага таянч бўлди. 2002 йилнинг апрелидан эса мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Урганч бирлашган техника мактабига ўқишга кириб, ҳайдовчилик касбини эгаллади. Маълум муддат тажрибали ва талабчан устозларидан таълим олган йигитни олдинда Конституциявий бурчи — муддатли хизмат кутарди.

Ҳозирда Ойбек Эрматов оддий аскар унвонида Самарқанд гарнизонидаги сержантлар тайёрлаш мактабининг ўқув жараёнини таъминлаш бўлинмасида хизмат қилмоқда.

— Мен учун ҳарбий хизматдаги, ҳаётимдаги энг эсда қоларли ва фахрли дамлардан бири — хизматдош дўстларим билан биргаликда ҳарбий Қасамёд қабул қилган кун бўлди,— дейди у ўз ҳаяжонини яширмай.— Албатта, ҳарбий Қасамёд қабул қилиш учун ҳар бир йигит аскарлик либосига, посбонлик бурчига ҳар томонлама лойиқ, яъни тайёр бўлмоги керак. Бу борада дастлаб бизга катта лейтенант Н. Тўрғунов ва лейтенант А. Тўхтаевлар яқиндан ёрдам беришди. Улар ёрдамида биз — сафга янги келган ёш аскарлар ўқув жараёнида ҳарбий низомлар қоидаларини ва мана шу қоидаларга асосланган хизмат вазифаларимизни босқичма-босқич эгаллаб бордик. Аскарлик бурчимни ўтаётганимга эндигина 3—4 ой бўлди. Бироқ шу фурсат ичида мен кўп нарсани ўрганишга ҳаракат қилдим. Хизматнинг дастлабки кунларини ҳисобга олмаганда, аскарлик ҳаётининг барча қонун-қоидаларини талаб даражасида бажариш ҳозирда мен учун қийин эмас. Отаонамнинг оқ фотиҳасини олиб, хизматга отланган илк оқшомдан бошлаб бу ердаги ҳар бир жараён — аскарлик либосида сафда туриш, ҳарбий Қасамёд қабул қилиш, қўлимга ҳақиқий қурол олиш, яқинларимга аскарлик мактубини йўллаш, барча-барчаси ҳаяжонли ва шарафли. Мен бундай фахр туйғуси барча йигитларга насиб этишини тилаб қоламан.

Оддий аскар Ойбек Эрматов суҳбат давомида сафдош дўстлари, ҳарбий жамоада ўтказилаётган турли тадбирлар, дам олиш кунлари ўзи хизмат қилаётган шаҳардаги тарихий обидаларни томоша қилишгани тўғрисида ҳам гапириб берди. Барча нарсага қизиқувчан ва интилувчан бу посбоннинг хизматдаги ютуқлари ҳали олдинда эканлигини ҳис қилган ҳолда, у билан хайрлашдик.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲАРБИЙЛАР КЎЗГУСИ

МУСОБАҚАНИНГ ҒОЛИБ ЖАМОАСИ ҲАЁТИДАН

Мен Комендатурани ҳарбийларнинг кўзгуси, деб биламан. Чунки бу кўзгуга қараган ҳар бир ҳарбий ўзининг ҳарбий қиёфасини қандай эканлигини яққол кўради.

Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама, деган гап бор. Тўғри-да, ойна борини кўрсатади, қўшмайди ҳам, олмайди ҳам. Шу маънода Комендатурага тартибли, интизомли ҳарбийларнинг иши тушмайди, тартибли, интизомли ҳарбийлар билан Комендатуранинг ҳам иши бўлмайди.

Келинг, аввало қандай ҳарбийлар тартибсиз, интизомсиз эканлигига бир назар ташлайлик. Дейлик, унвони катта офицер билан унвони кичик офицер дуч келиб қолишди. Ана шунда, албатта биринчи бўлиб унвони кичик офицер ҳарбийча салом бериши керак. Ҳарбийча саломлашмаслик — ҳарбий интизомга риоя этмасликдир.

Одатда, ҳарбийлар ҳарбий либослари билан бошқалардан ажралиб туради. Ҳарбий либос кийишнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидаси бор. Қишда қишки, ёзда ёзги ҳарбий кийим-кечак кийилади. Парад чоғида кийиладиган либос бошқача-ю, дала-ўқув машғулотлари пайтида кийиладиган либос бошқача бўлади. Ҳар бир либос ҳарбий белгилар, эмблемалар билан маълум тартибда жиҳозланади. Ҳарбийча либос кийиш қонун-қондаларига риоя этмаслик ҳам ҳарбий интизом бузилиши демакдир. Кун тартибига амал қилмаган ҳарбий хизматчи интизомсиз ҳисобланади. Хуллас, ҳарбий фаолиятга оид катта-кичик тартибсизликлар Комендатуранинг — ҳарбий кўзгунинг объектидир.

Тошкент гарнизони коменданти подполковник Қаҳрамон ЖУМАЕВ:

„ФАҚАТ АЪЛОЧИЛАР ХИЗМАТ ҚИЛИШАДИ“

— Ортда қолган 2002 йилда бизнинг Комендатурамиз шахсий таркиби ҳаётида ёдда қоларли воқеалар кўп бўлди. Энг қувончлиси шуки, ўқув йилини муваффақиятли якунладик. Мудофаа вазирлиги қўшинлар хизматини ташкил қилиш, Комендатуралар фаолиятини ўрганиб чиқиб, бир қанча ҳарбий қисмлар қаторида бизнинг Комендатурани ҳам ўтган йили ўтказилган танлов якунига кўра, ғолиб деб топди. Бунга осонликча эришилгани йўқ, албатта.

Балки буни бизнинг сиримиз деб қабул қиларсиз, балки буни бизнинг фаолиятимизнинг ўзига хослиги деб биларсиз, нима бўлганда ҳам, Комендатурада хизмат қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шуни алоҳида таъкидламоқчиман, Комендатурада фақат аълочи ҳарбий хизматчилар хизмат қилишади. «Тўрт» баҳо ҳам бўлмайди, фақат «беш» бўлиши шарт. Мен хизматимизни оғир демоқчи эмасман, бироқ ўзига хос хусусиятлари бор.

Бу ерда хизмат қиладиган ҳарбий хизматчи, у аскарми, шартнома бўйича хизматчими, офицерми, ким бўлишидан қатъи назар, энг аввало Умумҳарбий Низомларни аъло даражада билиши шарт. Билиш ўз йўлига, аъло даражада риоя этиш ҳам зарур. Кийинишида, юриш-туришида камчиликлар бўлмаслиги керак. Энди бошқа майда-чуйда нуқсонларни кўя турайлик. Умуман, Комендатура ҳарбий хизматчиси рисоладагидек ҳарбий бўлиши талаб этилади. Ана шундагина у бошқалардан Умумҳарбий Низомларга, қонун-қоидаларга риоя этишни талаб қила олади-да.

Ўзингиз яхши биласиз, «тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак» деган гап бор. Бу гапни бизнинг ҳарбий хизматчиларимизга татбиқ этадиган бўлсак, Комендатура ходими намунали ҳарбий хизматчи бўлиши даркор.

Мен кўпинча бошқа гарнизонларда хизмат қилишаётган дўстларимдан «Сизларга маза, пойтахтда хизмат қиляпсизлар», деган гапларни эшитиб қоламан. Аслида, ҳарбий хизмат ҳамма жойда ҳам ҳарбий хизмат. Мамлакатимизнинг марказида бошқача хизмат қилиниб, четида бошқача хизмат қилинмайди. Чунки, армияда ҳарбий Низомлар бир хил, тартиб-қоидалар бир хил. Уларга ҳамма жойда бир хил риоя этилади.

Бироқ, пойтахт гарнизонининг ўзига хос хусусияти бор. Бу ерда талаб бошқа жойлардагига қараганда кучлироқ. Марказга чет эллардан меҳмонлар кўп келишади. Истаймизми, истамаймизми, уларнинг кўзлари, албатта ҳарбийларга ҳам тушади. Шу боис бу ерда хизмат қилаётганлар биз томонимиздан кучли назорат этилади. Баъзан билиб-билмай, баъзи ҳарбий хизматчилар пойтахт кўчаларида дала-ўқув машғулотлари кийимида пайдо бўлиб қолишади. Қўмондоннинг буйруғига биноан бундай кийимда шаҳарда юриш мумкин эмас.

Пойтахтда хизмат қилишаётган ҳарбий хизматчилар умуман тартиб-қоидани бузишмайди, десам муболаға қилиб юборган бўламан. Шаҳарда юриш ҳужжатларини расмийлаштирмаган, ҳарбийча саломлашиш, ҳарбийча кийиниш тартиб-қоидаларига риоя этмаётган ҳарбий хизматчилар учраб туради. Биз уларга дарҳол чора кўрамиз.

Президентимиз — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўқизинчи сессиясида сўзлаган маърузаларида ҳарбий соҳа борасида тўхталар экан, шундай деган эдилар: **«Профессионал Қуролли Кучлар деганда биз нимани тушунамиз?**

Бундан мақсад шартнома-контракт асосидаги ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб биладиган, ҳақиқатан ҳам оғир ва шарафли касб эгаси бўламан, деб интиладиган фуқаролардан ташкил топадиган армияни барпо этишдир.

Содда қилиб айтганда, халқ хўжалигида ҳар қандай мутахассис, мисол учун, қишлоқ хўжалигида агроном бўладими ёки саноатда муҳандис-инженер, қурилиш соҳасида қурувчи бўладими, ўз қобилияти ва салоҳиятини қандай намоён этса, профессионал армияда хизмат қиладиган ҳарбийлар ҳам ўз касб маҳорати ва билимини амалда шундай қўллаш имконига эга бўлсин.

Ҳеч бир касбни камситмаган ҳолда, шуни очиқ айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади».

Шуни фахр билан айтамаики, бизнинг орамизда ҳам шартнома бўйича хизмат қилаётганлар ойдан-ойга кўпайиб боряпти. Бизнинг ҳарбий хизматчиларимиз ҳам мард, матонатли ва фидойи инсонлар, Ватан олдидаги ўз бурчларини жуда яхши тушунишади ва ичган онтларига ҳамиша содиқдирлар. Танловда ғолиб бўлганимиз, бу — муваффақиятларимизнинг бошланиши, холос.

Янги 2002—2003 ўқув йилини жуда яхши кайфият билан бошлаб юбордик. Айни кунларда шахсий таркибимиз машғулотларда фаол иштирок этишмоқда. Бу йилги ўқув йилининг шиори: «Ватанни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, касбий маҳоратни изчил такомиллаштириш, қонунлар ҳамда Умумҳарбий Низомлар талабларига қатъий риоя этиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбуриятидир». Айни бизнинг дилимиздаги гап. Биз ҳамиша шунга интилиб келганмиз ва бошқаларни ҳам шунга даъват этамиз. Энди бўлса бутун ўқув йили шу шиор остида ўтказилаётгани айни муддао.

Назаримда, вақт тез ўтаётгандай. Қаранг, Қуролли Кучларимиз ташкил этилганига ҳам ўн бир йил тўлибди. Тўғри, бу йиллар беҳуда ўтгани йўқ. Ортда қолган йиллар Қуролли Кучларимизнинг қад ростлаш йиллари бўлди. Бу йиллар давомида армиямизнинг пойдевори — ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳарбий Низомлар ишлаб чиқилди. Умуман, жуда кўп ўзгаришлар бўлди. Қайси бирини айтай. Энг муҳими, ҳеч қачон уруш бўлмасин. Биз ҳарбийлар жанговар маҳоратимизни фақат тинчликни ҳимоя қилишга сарфлайверайлик.

Барча ҳарбийларимизни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Аслида, байрам барчаники. Ҳарбийлар бевосита Ватан ҳимоячиси ҳисобланса, бошқа фуқаролар билвосита Ватан ҳимоячисидир. Шу маънода Ватан ҳимоячилари куни байрами фақат ҳарбийларники десам хато қилган бўламан. Бу — умумхалқ байрами. Кейинги пайтда ўзингиз ҳам сезаётган бўлсангиз керак, армиянинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаси кучаяяпти. Халққа таянган армия кучли бўлади, армияси кучли халқни енгиб бўлмайди.

Подполковник Қаҳрамон Жумаев тўғрисида қисқача маълумот: У Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаган. Туркия, Америка Қўшма Штатларида ҳарбий таҳсилини такомиллаштирган.

Кичик сержант Баҳром ТОШТЕМИРОВ:

„ДИПЛОМИ ЗЎР МАКТАБ“

— Болалигимда қайси касбни эгаллашга қизиққанимни билмадим-у, лекин жўраларим билан «уруш-уруш» ўйнаб аскар бўлишни дилимга тугиб қўйганим ёдимда. Киноларда аскарларни кўриб, улар ҳақида тасаввурим бошқача бўлган. Назаримда, аскар бу фақат қўлида автомат билан жанг қилиб юрадиганга ўхшарди. Мана, энди ўзим аскар бўлиб, дунёқарашим тамоман ўзгарди.

Аскар, бу — энг аввало Ватаннинг қўриқчиси, тинчлик ва осойишталикнинг посбони. Ватан чегараси дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги ҳимоячиси.

Ростини айтсам, армияда хизмат қилиш — йигитлик мактаби экан. Бу мактабда таълим олган йигитнинг кейинги ҳаёти чиройли бўлади. Сабаби маълум, у бу ерда ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқади. Қийинчиликларга бардошли бўлади. Гапни чўзиб нима қилдим, бу мактабнинг дипломи зўр, ҳамма жойда ўтади.

Айнан Тошкент шаҳрида, Комендатурада ўз йигитлик бурчимни ўтаётганимдан хурсандман. Муддатли ҳарбий хизмат муддати ўн саккиз ойдан ўн икки ойга келтирилгани аскарлар учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам яхши иш бўлди.

Мен Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидаги Ўзбекистон жамоа хўжалигининг Олакўйлак қишлоғидан бўламан. Отам Жовли Тоштемиров ўқитувчи, онам Саодат Турдиева уй бекаси.

Хизматларим яхши кетяпти. Комендатурамиз танловда ғолиб бўлганлигида озгина бўлса-да ҳиссам борлигидан бошим осмонда.

Оддий аскар Абдурауф ЗУЛУМОВ:

„ШАРОИТ КЎНГИЛДАГИДЕК, КАЙФИЯТЛАР КЎТАРИНКИ“

— Биз кун тартибига қатъий риоя қиламиз. Дақиқалар, соатлар ҳисобда. Қишки мавсум ўқув машғулотлари юқори савияда ўтказиляпти. Ўзилишлар бўлгани йўқ, бўлмайди ҳам.

Бу йил қиш ўз вақтида келиб, бизни жуда севинтирди. Ҳар нарсанинг ўз вақтида бўлгани яхши. Биз қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрган эдик. Шу боис шошиб қолганимиз йўқ, ўзимиз ҳам, казармамиз ҳам шай эди.

Комендатурада аъло хизмат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Спорт билан шуғулланмоқчи бўлсак, турли хил спорт жиҳозлари, мўъжазгина спорт майдончамиз мавжуд. Кутубхонамизда турли адабиётлар бор. «Халқ сўзи», «Ватанпарвар» газетаси тахламларини истаган пайтимизда, албатта, хизматдан бўш чоғларимизда, кўздан кечиришимиз мумкин. Дам олиш кунлари ҳар хил спорт мусобақалари, турли учрашувлар ташкил этилиб турилади.

Биз аскарлар ўз хизмат бурчимизни кўнгилдагидек ўтаяпмиз. Ўтган ўқув йилида орамизда паст натижалар кўрсатганлар бўлмади.

Бунда энг аввало бизни тарбиялаётган офицерларимизнинг хизматлари катта. Мен взводимиз командири катта лейтенант Дилшод Тўлаганов номини алоҳида ҳурмат билан тилга оламан.

2002 йилни яхши якунладик. 2003 йил ҳам зафарларга бой бўлади. Имкониятдан фойдаланиб, мен барча ҳарбийларимизни Ватан ҳимоячилари байрами билан чин дилдан табриклайман.

Катта лейтенант Рустам УСМОНОВ:

„БУГУННИНГ ҲАРБИЙСИ“



Офицер сўзи командир деган маънони билдиради. Армияда командир қандай роль ўйнашини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керагов.

Ўтмишда, биз командирни саркарда дейдиган бўлсак, саркарда энг аввало маънавий жиҳатдан етук инсон бўлган. Тарихни яхши билган, адабиётни яхши билган. Халқнинг урф-одатларидан пухта хабардор бўлган ва уларга қатъий риоя этган. Жангчи сифатида маҳорат бобида унга тенг келадиган бўлмаган.

XXI асрга келиб, фан-техника жуда ривожланиб кетди. Жанговар қуроллар, жанговар техника ҳам замонавий. Шу жиҳатдан бугуннинг офицери, бугуннинг командири ҳам замон талабларига мос бўлиши керак. Юртбошимиз, ҳарбийлик мардлар иши деб бежиз таъкидламадилар. Иродали, мард одам ҳарбий бўлади.

Мен бугуннинг офицерини Комендатурага иши тушмаслигини жуда-жуда хоҳлардим. Мен иши тушмасин деганда нимани назарда тутяпман. Энг аввало, Умумҳарбий Низомлар талабларини бузгани учун бизнинг назоратчиларимиз томонидан қўлга олинмасин. Ҳарбий либос кийиш нормаларига қатъий риоя қилишсин, айниқса, офицерлар. Ахир фараз қилинг, ўз ҳарбий кийим-кечагини эплаб киёлмайдиган офицер бошқаларга қандай ибрат кўрсатиши мумкин.

Тартиббузарлик содир этиб, бизнинг Комендатурамиз бандихонасида «меҳмон» бўлганлар билан қисқа вақт ичида шундай тарбиявий ишлар олиб борамизки, натижаси дарҳол кўзга ташланади. Одатда, Комендатурага тушганлар бу ердан осонликча чиқиб кетишмайди. Бизнинг ўзимизга хос имтиҳонимиз бор, ана шу имтиҳондан ижобий баҳо олганлар ўз хизмат жойларига жўнатилади. Бўлмаса, сабоқни яна давом эттиришга тўғри келади. Бизнинг сабоғимизни олганлар иккинчи бу ерга қайтиб келишмайди.

Баъзи тартиббузарларни кўриб, ўйлаб қоламан. Назаримда, улар хизмат қилаётган қисмларда талаб сусайтирилиб юборилган бўлса керак. Шу боис ҳарбий хизматчи тартиббузарликни содир этади. Ўзингиз айтинг, назорат кучли бўлса, талаб кучли бўлса, қайси бир ҳарбий хизматчи тартибни бузади?! Энг аввало Умумҳарбий Низомларни пухта ўрганишни йўлга қўйиш зарур. Кейин унга қатъий риоя этиш талаб этилмоғи даркор. Бор йўғи шу. Шундай қилинса олам гулистон.

Бугун ҳарбий хизматнинг нуфузи ортмоқда. Демак, ҳарбий бўлиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди. Ҳарбий бўлдингми, шунга муносиб бўл!

Яқинда мен Комендатурада бўлиб, бу ерда хизмат қилишаётган аскарлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, офицерларнинг кундалик фаолияти билан танишдим. Таъкидлаш жоизки, шахсий таркиб ўз бурчларини жуда яхши билишади, кун тартибига қатъий риоя қилган ҳолда ўз фаолиятларини кўтаринки руҳда давом эттиришмоқда. Комендатура ҳудуди тоза, синфхоналар ҳам, казарма ҳам иссиқ ва шинам. Машғулотларда иштирок этаётганлар фаол, навбатчилар ўз постларида ҳушёр туришибди. Ким билан суҳбатлашмай, 2002 йилда қўлга киритишган муваффақиятларидан беҳад мамнун.

Шахсий таркиб: «Бу — муваффақиятларимизнинг бошланиши!» — деяпти, баралла комендант сўзини такрорлаб.

Ростини айтсам, Комендатурада хизмат қайнаяпти. Бу ер ҳақиқатан ҳам Тошкент гарнизони ҳарбийларининг кўзгуси. Бу кўзгу ҳеч қачон хиралашмасин!

Майор Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК олган суратлар.

МУНОСИБ СОВҒА

Барчамизга аёнки, 14 декабрдан бошлаб республикамизда «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» ўтказилмоқда. 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни олдидан амалга оширилаётган бу байрамона тадбир турли хил учрашувлар, «Очиқ эшиклар куни», спорт байрамлари каби эзгу ишларга хизмат қиляпти.

Элимизнинг таниқли шоир ва қўшиқчилари, ёш санъаткорлар, турли ташкилот вакилларидан иборат бир гуруҳ ижод аҳли қатор ҳарбий жамоаларда, Авиация ҳарбий қисми, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби ҳамда Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида бўлиб, Ватан ҳимоячилари билан сермазмун учрашувлар ўтказишди.

Тошкент ҳарбий округи тарбиявий ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари подполковник Бахтиёр Отамирзаев бошчилигидаги бу ижодий гуруҳ аъзоларининг ҳар бир чиқишлари йиғилганлар томонидан қизғин кутиб олинди. Чунки катта йиғилган залини тўлдириб ўтирган нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Назруллаев, «Соғлом авлод» журнали бош муҳаррири Ўринбосари, таниқли шоир Музаффар Аҳмад, «Гулистон» журнали масъул котиби, истеъдодли ёш шоир Шуҳрат Орифнинг янги шеърларидан, «Ўзбекнаво» гастроль концерт бирлашмаси яккахон хонандалари — Муҳаббат Гофурова, Дилфуза Абдувоҳидова, «Фаёд» гуруҳи орқали барчамизга яқиндан таниш бўлган хонанда Раъно Камбардинова ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг куй ва қўшиқларидан баҳраманд бўлишди. Юрагида ёшлик ҳарорати ёниб турган аскар йигитлар эса ўз рақслари билан хонандаларга жўр бўлишди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, доцент Акромжон Акмалов, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати етакчи мутахассиси Акбархон Магдиев ва Ўзбекистон радиоси мухбири Отамурод Абдуллаевларнинг қизиқарли суҳбатлари йиғин иштирокчилари орасида қизғин баҳс ва мунозарага сабабчи бўлди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг турли мавзудаги саволларига подполковник Б. Отамирзаев ҳамда юқорида таъкидлаб ўтилган ташкилотлар вакиллари жавоб қайтаришди.

Ушбу саволларнинг кўп қисми бизнинг «Ватанпарвар» газетасига ҳам тааллуқли эканлиги таҳририятимиз учун қувонарли ҳолдир. Бундан чиқди ҳарбийларимиз газетамизга бефарқ эмас, Муштарийларимиз нафақат саволлар билан чекланишди, балки ёритилаётган турли мавзудаги мақолалар юзасидан ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Шу билан бирга газета саҳифаларида Юртбошимиз томонидан жорий этилаётган турли қонунлар, мамлакатимиз тарихига бағишланган мақолалар ҳамда аскарлар учун турли мавзудаги саҳифалар бериб боришимизни илтимос қилишди.

Учрашувнинг сермазмун ва қизиқарли ўтишида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг истеъдодли сухандони, сўз устаси кичик сержант Баҳром Маҳмудовнинг даврани ўзига хос олиб бориш санъати ҳам катта ўрин тутди, албатта.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дастур давомида учрашувнинг асосий мақсади бўлган ватанпарварлик, юртга садоқат, фидойилик, меҳру муҳаббат руҳида янграган шеър, куй ва қўшиқлар, мана шундай эзгу амалларга йўғрилган суҳбатлар тинчлигимиз посбонларига нафақат руҳан, балки маънавий томондан ҳам катта таянч бўлганлиги шубҳасиз. Шу билан бирга бу тадбир ҳарбий хизматчиларда катта таассурот қолдирди. Нега деганингизда, дастур иштирокчилари қаерда учрашувда бўлишмасин, тадбир якунланганда кейин ҳам йиғилганлар зални тарк этишни истамас, шундай учрашувлар яна бўлишини қайта-қайта таклиф қилишарди.

Республикамиз бўйлаб амалга оширилаётган «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» шундай уюшқоқлик билан кўтаринки руҳда ўтказилаётгани қувонарлидир. Бу тадбирларни 14 январда ўтказиладиган Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 11 йиллик тўйига муносиб совға, деса бўлади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

АСКАР ОНАЛАРИ СЛЁТИ

Эй, муқаддас Ватан туйғусин
Дилига жо айлаган халқим!
Ҳаётини Ватан келгуси
Бирла маҳкам бойлаган халқим!
Мадинам деб она элини,
Жонин фидо айлаган халқим!
Мукаррам деб она тилини
Оловларда тоблаган халқим!

Марказий ҳарбий округ мажлислар залида «Аскар оналари слёти» бўлиб ўтди. Слётда Жиззах, Самарқанд, Самарқанд вилоятларидан Қуролли Кучлар сафига чақирилган аскарлар, уларнинг ота-оналари, вилоятлар ҳокимликлари вакиллари қатнашишди. Слётни ташкиллаштиришда ушбу вилоятлар ҳокимликлари томонидан катта ёрдам кўрсатилди, улар аскарлар учун совғалар тайёрлашди. Аскарларимиз ота-оналари учрашувдан жуда мамнун бўлишди ва ташкилотчиларга ўзларининг миннатдорчиликларини билдириб, раҳмат айтишди.

Учрашувни Марказий ҳарбий округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Ф. Абдуллаев кириш сўзи билан очди. У ўз нутқида яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг 10 сессияси, «Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ҳақида қисқача гапириб берди. Ҳарбий қисмлардаги шарт-шароитлар, киритилган янгиликлар, олиб борилаётган ишлар билан ота-оналарни таништирди.

Слётда, шунингдек, кичик сержант Учқун Холиқов, оддий аскар Ойбек Пардаев, лейтенант Зиёдбек Мамажонов, ота-оналардан Лола Ашурова, Раъно-хон Очилова ва Абдужамол оталар сўзга чиқдилар. Улар ўзларидаги қувончни сўзларида баён этдилар ҳамда аскар ўғлонларга ўз насиҳатларини бердилар. Аскарларимиз ўз чиқишларида ҳарбий қисмлардаги яратилган шарт-шароитлар, кундалик ҳарбий ҳаёт тарзи ва ўз ютуқлари билан ўртоқлашдилар.

Байрам тантанаси жуда кўтаринки руҳда ўтди. Жиззах тумани маданият саройи санъаткорлари ва ҳарбий қисм ҳаваскор хонандаси кичик сержант Саловат Абубакировлар ижросидаги куй-қўшиқлар ҳаммани хушнуд этиб, рақсга чорлади.

Шартнома бўйича хизматдаги кичик сержант Умидахон МИРЗАКАРИМОВА.

Ёш аскар шаклланмоқда

Оддий аскар Элёрбек Араповнинг ҳарбий хизматни бошлаганига атиги икки ойдан ошди, холос. Аммо ўтган қисқа муддат ичида унинг ҳаётида кўплаб эсда қоларлик воқеалар бўлиб ўтди. Эгнига аскарлик либосини кийганда, сафдошлари орасида биринчи бўлиб ҳарбий Қасамёд қабул қилганда, илк бор жанговар топшириқни бажарганда жуда ҳаяжонланган. Тўғрироғи, юртнинг мард ва жасур ўғлонлари сафида бўлиш, халқнинг тинчлиги, осойишталиги учун масъулиятни бўйнига олиш инсон учун юксак шараф эканини юрак-юрагидан ҳис қилган. Айниқса, аяжонисн узоқ Андижондан келиб унга, аскарлик либосларига меҳр тўла кўзлари билан боқканида нечун «она» ва «ватан» сўзлари доим қўшиб ёзилишини чуқур англаб етди.

— Акаларим Россияда ва Европа давлатларида хизмат қилишган эди. Мен эса мустақиллик шарофати билан ўз юртимда аскарлик бурчимни ўтамоқдаман, — дейди ғурур билан оддий аскар Э. Арапов. — Шунинг учун ҳам аяжонимнинг, уйдагиларнинг қувончи чексиз. Менинг назаримда, аскарлик, Ватан посбони бўлиш йигит кишининг жисмоний маънавий тайёргарлигини синовдан ўтказиш, шакллантириш учун катта бир имконият. Мен ушбу имкониятдан унумли фойдаланиш истагидаман.

Яқинда Давлатхон ая кенжа ўғли Элёрбекка мактуб йўллади. Унда шундай жумлалар бор: «Суюкли ўғлим Элёрбек! Сени Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан табриклайман. Доим азиз Ўзбекистонимиз, халқимиз манфаатлари ҳимоясида бўл». Бу сўзлар касбий байрамини кутиб олишга иштиёқ билан ҳозирланаётган ёш аскарни, шубҳасиз, янги ютуқлар сари чорлайди, унга қўшимча куч-қувват бағишлайди. Ахир, у онасининг, халқининг, Ватанининг содиқ посбони-да!

Муҳаббат ХЎЖАМУРОДОВА.

Ҳарбий хизмат алифбоси

А
Ақли расо фарзанднинг
Асли бурчи — Ҳимоя!
Азиз юртни авайлаш,
Асраш, бўлмоқ чўнг қоя!

Б
Батальон байроғин
Баланд тутар ботирлар!
Бўлинманинг бойлиги
Баҳодирлар, нодирлар!

В
Взвод, гуруҳ, бўлишар,
Ватансевар аскарлар,
Вахта, постда туришар
Ватанпарвар лашкарлар!

Г
Гарнизонда шаҳарча,
Генерал Бош таркиб бор.
Гауптвахта, госпиталь...
Гард юқтирмас тартиб бор!

Д
«Диққат! Диққат!» деганда
Довдирама дўст, ўртоқ!
Дарҳол қўлга ол қурол,
Душманга боқ дурустроқ!

Е
Елдек елиб юрганнинг
Елга учмас ҳаёти.
Ерга тегмас елкаси,
Елкадоши қаноти.

Е
Елғиз чиқсанг сафарга
Емон йўлдош ёв бўлар.
Ёт, ёвузнинг йўлига
Евқур йигит гов бўлар.

Ж
Жанговарлик, жасурлик
Жангчиларга хос хислат.
Жасорат-ла жанггоҳда
Жанг қилмаслик жиноят!

З
Заставада зийракдир,
Заковатли мард соқчи!
Зарба олар зудликда
Заҳар-заққум айғоқчи!

И
Иғвогарлик, иблислик
Илгаридан бор иллат!
Иллат изин қуритар,
Инсонпарвар, ҳур миллат!

И
Йигитбоши мард эрса,
Йигит боши ҳам бўлмас!
Йўлда юки қолмагай,
Йўлин топар, кам бўлмас!

К
Кичик сержант —
командир,
Курсантларга кўмакдош,
Камарбаста эрта-кеч,
Касбдошу қуролдош.

Л
Лаёқатли бўлса ким
Лавозимга лойиқдир.
«Лаббай!» дейиш сардорга
Лаб-даҳанга боғлиқдир.

М
Муқаддас бурч—Ватанни
Матонат-ла асрамоқ!
Мустақил юрт —
жон-танни
Маҳорат-ла асрамоқ!

Н
НАТО — тинчлик элчиси,
Нота, наркобизнесмас!
Наряд пайти ҳар нуқта,
Назоратда бўлса бас!

О
Осмон чексиз, олисда
Осмондадир кўзимиз!
Осмон тиниқ, бўлса тинч,
Ойдай ёруғ юзимиз!

П
«Пақир киши панада»,
Пасткаш пастқам,
кир жойда.
Пала-партиш иш бўлмас,
Патруль бўлган бир жойда!

Р
Разведкачи расмона
Разм солар ҳар ёққа!
Разилона режанинг
Расмин олар илмоққа!

С
Сафарда ҳам, сафда ҳам,
Спортда, снарядда,
Садоқатли сафдошлар,
Снайпердек ҳурматда!

Т
Терроризм — таҳдиддир,
Тараққиёт, тинчликка!
Тревога — турткидир
Тезкор тайёргарликка!

У
Узун-қисқа кун-тунлар,
Узоқ-яқин йўлларда,
Умид кўзи эл-юртнинг
Удли-шудли қўлларда!

Ф
Файзу футур кетмагай,
Фазилатли хонадан,
Фавқулодда ҳолатда
Фаол бўлса ҳар инсон!

Х
Хонавайрон бўлар халқ
Халоскори бўлмаса!
Хавфли терроризмдан
Холи, нари бўлмаса!

Ц
Цемент каби мустаҳкам,
Циркка ўхшаш айланма,
Циркуляр, буйруқ олар,
Цех эмас, бу — бўлинма!

Ч
Чайир, чаққон чин аскар,
Чайналишни кўрмас хуш,
Чақмоқ чақнар изидан,
Чала-чулпа қилмас иш!

Ш
Шартномавий хизматнинг
Шаронити, шарти шу:
Шартни бузмас эр киши,
Шер юраги этмас шув!

Ў
Ўзига бек ўзбекмиз,
Ўзбекнинг юз-кўзимиз!
Ўт, оловдан асраймиз,
Ўз уйимиз ўзимиз!

Қ
Қалъа бўлар мустаҳкам,
Қўрғон яшар тинч, омон,
Қуролимас қалбини
Қалқон қилса қиз, ўғлон!

Ғ
Ғолиб чиқар ғойибдан
Ғаддор бўлмас чин аскар!
Ғовакда ҳам ғув этиб,
Ғанимин ер тишлатар!

Х
Ҳарбий яроқ — ҳақиқий,
Ҳаракатчан, ҳуқуқий,
Ҳарбий, касбий куч-қудрат
Ҳарбиёна сиёсат!

Э
Эгарланган тойчондай
Экипажда йигитлар!
Энг баланда, чўққида
Эпли эркак, бургутлар!

Ю
Юзи бўлган юртининг
Юрагида яшайди!
Юзи бўлмас ҳеч шувут,
Юздан ошиб, ошайди!

Я
Яшаса ким элим деб,
Яхши ном, боғ қолажак!
Ялангтўшдек шунқордан
Ялов, байроқ қолажак!

***

Алифбони ўқиган,
Уққанларга бор тилак:
Бирлашсин ҳарф, сатрлар,
Бирга бўлсин дил, билак!

Искандар РАҲМОНОВ,
истеъфодаги подполковник.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ аъло кайфият оғушида бўлади. Бемалол жиддий ишга қўл уриши мумкин. Дўстлари билан муносабати янада яхшиланади. Ҳарбий хизматчилар учун келгуси ҳафта айниқса хуш кайфият бағишлайди. Ўзларининг фаол хизматлари билан командирлари ва бошлиқлари ҳурматини қозонган ҳарбийларни муносиб совғалар кутмоқда. Энг омадли кунлар — жума ва якшанба.

БУЗОҚ учун келгуси ҳафта қисқа муддатли сафарларга чиқиш, муҳим ҳужжатлар имзолаш учун қулай фурсат. Бошлиғингиз ва ҳамкасбларингиз, умр йўлдошингиз сиз билан яхши муносабатда бўлади. Меҳнатсеварлигингиз туфайли муваффақиятларга эришасиз. Сешанба ва шанба — энг омадли кунлар.

ЭГИЗАКЛАР ҳафтанинг биринчи ярмида бир оз серташвиш бўлиши мумкин. Шу боис қисқа бўлсада дам олган маъқул. Хонадонингизда иситиш тизимида носозлик бўлса ёки бошқа муаммо юзага келсада қалбга яқин олманг, ҳаммаси ўз жойида бўлади. Маъшуқаларингиздан эҳтиёт бўлинг. Якшанба — энг омадли кун.

ҚИСҚИЧБАҚА спиртли ичимликлардан ўзини сақласа, ҳамма режалари кўнгилдагидек амалга ошади, моддий томондан бақувватлашади, саломатлиги, оилавий шароити ҳар доимгиданда яхши бўлади. Қисқаси, ўз қалбига қулоқ тутиб, қалб амрига бўйсунса, барча мақсадлари рисоладагидек рўёбга чиқади. Энг омадли кунлар — пайшанба ва якшанба.

АРСЛОН катта аҳамиятга эга хулосалар қабул қилмагани маъқул. Узоқ вақтдан бери мўлжаллаётган саёҳат режангизни бажарсангиз, бемалол бўлади. Дўстларингиз ва оила аъзоларингиз билан муносабатингизда ҳеч қандай тушунмовчилик учрамайди. Кўнглингизга келган ноўрин ниятлардан воз кечинг. Пайшанба ва жума — энг омадли кун.

ПАРИЗОД ўзини жуда ажойиб ҳис қилади. Жуда зўр гоя ва режаларни амалга оширади. Маъшуқа (жазман)ларга эҳтиёт бўлинг, нохушлик келтириши мумкин. Дўстларингиз билан муносабатингиз яхши бўлади. Мунажжим гирромлардан жуда эҳтиёт бўлишингизни тавсия этади. Энг омадли кунлар — сешанба (алохида), чоршанба ва шанба.

ТАРОЗУ кайфиятида чарчоқлик сезади. Муҳокама қиладиган ҳужжатлар кўлами кенгаяди. Севги ва муҳаббат ҳақида бир оз ўйламаганингиз маъқул. Узоқ манзилга саёҳатни режалаштиришингиз мумкин. Умуман, ҳаракатингизда баракали мазмун бўлади. Душанба ва жума — энг омадли кунлар.

ЧАЁН мўлжалланган ишларини режадагидек рўёбга чиқаради. Бошлиқлар назарига тушишга ҳаракат қилган ўринли. Кайфиятингиз яхши бўлади. Дўстларингиз билан имкон қадар яқинлашинг. Ҳарбийлар ўзлари кутмаганидан кўра кўпроқ муваффақиятларга эришадилар. Бунинг учун ўз манфаатидан умумманфаатини устун қўйишлари керак. Энг омадли кунлар — сешанба, чоршанба, пайшанба ва шанба.

ЎҚОТАР бирор нарсадан хиҳолат ва ноўринлик сезмай, режадаги ишларини бемалол бажараверса бўлади. Бироқ, ўтган ҳафтадан қолиб кетган юмушларни якунлаш лозим. Яқин дўстларингиз билан алоқани асло узманг. Хом хаёлларга кўп ҳам берилаверманг. Чоршанба — энг омадли кун.

ТОҒ ЭЧКИСИ келгуси ҳафтада аъло кайфиятда бўлади. Ҳалол меҳнати туфайли қўшимча даромадни қўлга киритади. Оилавий аҳволда барчаси жойида бўлади. Энг муваффақиятли кун—чоршанба.

ҚОВҒА жуда ажойиб воқеаларнинг гувоҳи бўлади. Ҳарбий хизматчилар талабчанлиги ва тартиб-интизомлилиги туфайли салмоқли ютуқларни қўлга киритишади. Асосийси, қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиш. Энг омадли кун — пайшанба.

БАЛИҚ бошлиқлари билан тортишмагани маъқул. Ҳар жабҳада вазминликни қўлдан берманг. Ишда ва оиладаги жонкуярлигингиз сизга ютуқлар ато этади. Чоршанба, пайшанба ва шанба — омадли кун.

Коллектив КЭЧ центрального аппарата Министерства обороны выражает искреннее соболезнование начальнику Ким Ю. Х. в связи с кончиной его отца

КИМ
Хак-Куна.

● ТУРФА ОЛАМ

ЭЛЕКТРОН НУСХАСИ

АҚШ ҳукумати мамлакатдаги барча тарихий-маданий мажмуалардан электрон нусха олишга қарор қилди. Бундай таклиф аслида мамлакатдаги Миллий боғ хизмати томонидан илгари сурилган. Бу ҳаракатдан асосий мақсад ҳар қандай шароитда ҳам бетакрор обидаларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймасликдир.

Бу ишга Техасдаги техника университети ходимлари бош қўшди. Улар Озодлик ҳайкалининг лазерли нусхасини тайёрлашни ўз зиммасига олди. РАТА-ТАСС маълумотларига қараганда, бунга икки йилдан ортиқроқ вақт керак бўлар экан.

Иш ниҳоясига етгач, нусхалар Конгресс бош кутубхонаси ва АҚШ миллий архивига топширилади. Яна бир нусха ҳукуматнинг махфий архивига берилади.

Соҳа вакиллари ўз фаолиятини Жанубий Дакота штатидаги Рашмор меъморий мажмуидан бошлади. Бу ерда АҚШнинг тўрт президенти — Жорж Вашингтон, Томас Жефферсон, Авраам Линкольн ва Теодор Рузвелтнинг ҳайкаллари ўрнатилган.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МИРОВОЙ РЕКОРД

Футболисты уральского города Каменск-Уральского установили мировой рекорд продолжительности мини-футбольного матча, проиграв пять суток и 13 часов непрерывного матча.

Тем самым предыдущий рекорд футболистов из Австралии был улучшен на 13 часов. Спортсмены играли несколькими сменами по четыре часа.

Первоначально планировалась неделя непрерывной игры, но из-за низкой температуры воздуха в зале, доходившей до+3 градусов, время, пришлось скорректировать. Счет на табло за это время превысил отметку в тысячу голов с каждой стороны.

● 2003 ГОД—ГОД МАХАЛЛИ

Есть в махалле музей

Уже 15 лет в махалле Абдуллы Авлони Яккасарайского района столицы Узбекистана существует музей «Хотира ва кадрлаш» («Памяти и почестей»). Находится он в школе № 73, преподаватели и учащиеся которой бережно сохраняют более двух тысяч экспонатов, рассказывающих об истории махалли.

— Наш музей открылся 9 мая 1987 года,— рассказывает директор школы, отличник народного образования Лютфия Саидова, кавалер ордена «Соглом авлод учун».— Инициатор и основатель музея — житель махалли, инвалид войны Сайфутдин Юлдашев, которому активно помогали другие ветераны.

Большое место в музее отведено боевым и трудовым подвигам жителей махалли 1941 — 1945 гг. В «галерее» портретов фотографии А. Ишанходжаевой, долгое время проработавшей в районной поликлинике главным врачом, заслуженного врача-терапевта; А. Исмаилова, военного врача, подполковника; П. Бобровского, служившего в годы войны в Ферганском гарнизоне; И. Азимова, пулеметчика, прошедшего всю войну.

А рядом фотопортреты ветеранов: пулеметчика М. Захидова, связиста П. Лущенкова, сержанта Б. Шокирова, командовавшего пулеметным расчетом; сапера М. Алимжонова. Отдельные стенды посвящены П. Ковтуну и Б. Бобоеву, чьими именами названы улицы в махалле.

Не забыли жители махалли и И. Алимбекова, Б. Бориева и К. Юсупова, в совсем еще недалекие времена проявивших мужество и героизм в «горячей» южной точке при выполнении воинского долга.

На стендах размещены фотографии ветеранов и жителей махалли, запечатлевшие их во время празднования Навруза, Хайита и других государственных праздников независимого Узбекистана. В экспозициях музея в большом количестве представлены плакаты, карты и схемы, книги, отражающие историю махалли, нашего народа и страны.

Сегодня многих из ветеранов, чьи фотографии выставлены на стендах, уже нет в живых. Их боевые друзья, сыновья и внуки приходят сюда, чтобы вспомнить однополчан и соседей, отцов и дедов, вместе ковавших победу в горниле одной из самых жестоких войн в истории человечества, вместе трудившихся над тем, чтобы жизнь их потомков, их махалли стала лучше и радостней.

Память о них помогает нынешнему поколению осмыслить то, что происходит сегодня, сплачивает их, воспитывает гордость за великих предков, своих родных, свою махаллю, свое независимое государство, придает силы для активной работы на благо будущих поколений.

Николай ДИНЬКО,
житель махалли Абдуллы Авлони.

● НАШЕ ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ

«ИЗ ЧАШИ МУДРОСТИ ИСПЕЙ...»

В нашу страну круглый год едут туристы из дальнего и ближнего зарубежья познакомиться с достопримечательностями древних городов. Но ведь и экскурсия по родному Ташкенту может быть не менее увлекательной и интересной и для самих жителей города, и для воинов, проходящих службу в столице Узбекистана.

— Действительно, Ташкент украшает немало памятников древней архитектуры,— говорит старший лейтенант Б. Юлдашев.— Воины нашего подразделения часто совершают экскурсии по городу, восхищаясь красотой архитектурных ансамблей, что способствует их духовному обогащению и культурному развитию.

— Вот и недавно мы совершили увлекательнейшую экскурсию по Ташкенту,— продолжает рядовой Н. Мирзаахмедов.— Мы побывали на Шайхантахуре, где когда-то находился центр города. Нас покорили своим величием и изяществом и современные здания и, конечно же, памятники старины.

Перейдя дорогу от Дворца искусств имени Алишера Навои на противоположную сторону и попав в переулок, через несколько минут воины оказались у ограды, за которой скрывался аккуратный дворик средневековых построек. К священным местам вели узкие асфальтированные дорожки...

Первым привлек внимание возвышающийся справа мавзолей Шайхантахура с двумя блестящими куполами, состоящий из двух отделений. Он стал «вечным домом» для самого суфийского шейха Ховенди-ат-Тахура. Его верные слуги выполнили завещание, похоронив своего правителя у священных сауров. В обоих отделениях помещения находятся гробницы. Люди приходят сюда помолиться или же совершить экскурсию по священным местам.

Еще один архитектурный памятник в этом дворике — мавзолей Калдыргач-бия, созданный в XVIII веке (двумя веками позже, чем его «сосед» Шайхантахур), имеет своеобразный треугольный купол. Здесь воины встретили служителя мавзолея, который любезно предложил войти, посмотреть постройку изнутри. Он также рассказал много интересного о полководце Толе-бие, похороненном здесь.

— Кроме полководческого таланта Толе-бия наш экскурсовод удивил нас, рассказав и о его поэтическом даре,— продолжил рядовой Н. Мирзаахмедов.— С интересом познакомились мы и со священной книгой «Шенсери», которая писалась в течение нескольких веков. А на прощание в книге отзывов и пожеланий, исписанной тысячами посетителей, мы оставили и свои теплые слова благодарности. Я и мои сослуживцы, призванные из различных областей республики, решили в дальнейшем продолжить знакомство с Ташкентом, превратившимся за годы независимости в крупный промышленный, научный и культурный центр.

Сергей БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ЎЗБЕК АСКАРИ

Қалбида ғурури,
эгнида ҳаёт,
Сарҳаддан-сарҳадга
қуш мисол учган.
Бир қарасанг тепа,
бир қарасанг тоғ,
Бир қарасанг яйлов
яшиллик қучган.
Бир қарасанг денгиз,
бир қарасанг кўл,
Шишаранг тўлқиндай
тошлар уюми.
Яна бир қарасанг
саҳро, ғаллазор,
Ўзбек аскари ҳам
унинг кийими.
Мазмуну ранг уйғун —
юртим аскари,
Борлиқда бенисбат қоя,
толмасдир.
Кафтида юлдузи
чақнаган чўққи.
Заминдай замондан
ажралмасдир.

Ҳушбоқ РАҲИМ.

Ҳарбий қисм қошидаги «Шалола» вокал-чолғу ансамбли аъзолари — Қуролли Кучлар хизматчиси Нодира Рашидова (ўнгдан чапга), катта лейтенант Шомақсуд Шомуродов, оддий аскарлар — Абдувоҳид Воҳидов ва Рустам Хўжамбердиевлар ҳам Ватан ҳимоячилари кунида бўлиб ўтадиган тантаналарга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Улар ижросидаги ажойиб куй ва қўшиқлар сафдошларга манзур бўлиши аниқ.

Александр МРУЧАК
олган сурат.

ЭТО ИНТЕРЕСНО

... Эйфелева башня в Париже была построена по случаю Международной выставки 1889 года в столетнюю годовщину Французской революции и названа по имени ее создателя инженера Эйфеля Александра Густава (1832—1923 гг.). Высота башни — 300 метров. Когда она строилась, многие специалисты и ученые, проверяя вычисления Эйфеля, доказывали, что башня упадет. Одним из самых существенных аргументов против строительства было то, что она «бесполезна». Теперь же башня служит прекрасной антенной для радио и телевидения.

При десятиградусном морозе Эйфелева башня на 17 сантиметров короче, чем при жаркой погоде. Объясняется это сжатием металла в результате холода.

***

... Мечеть с качающимися минаретами — удивительная достопримечательность Исфагана (Иран). Если взойти на один из минаретов и слегка раскачать его наклоном своего тела, то в такт первому закачается и второй, удаленный на много метров, и это поражает не только рядовых зрителей, но и специалистов-архитекторов.

Подготовил Н. ЧУРСИНОВ.

● ВАШЕ ЗДОРОВЬЕ

КАК УБЕРЕЧЬСЯ ОТ ГРИППА И ПРОСТУДЫ

Холодная зимняя погода, выражаясь по-научному, увеличивает степень риска простудных заболеваний и гриппа. Важнейшее различие между обычной простудой и гриппом заключается прежде всего в том, как протекает болезнь. При вирусном гриппе симптомы проявляются очень быстро и более остро. От момента заражения до проявления болезни проходит не более 48 часов. Болезнь начинает быстро прогрессировать, появляются озноб, температура, сильные головные, суставные и мышечные боли, глаза раздражает яркий свет.

Могут ли потом возникнуть осложнения?

В большинстве случаев грипп проходит без проблем. Его продолжительность зависит от того, насколько хорошо функционирует иммунная система больного, от агрессивности вируса и профилактики возможных сопутствующих инфекций. В среднем болезнь продолжается семь дней. У пожилых людей, маленьких детей и людей с хроническими болезнями грипп может быть более «настойчивым» и вызывает осложнения. Особенно опасна возможность воспаления легких и поражения сердечной мышцы.

Помогают ли от гриппа антибиотики?

Нет. Грипп — вирусная инфекция, и антибиотики здесь бессильны. Прием антибиотиков служит в основном для лечения и профилактики возможных сопутствующих бактериальных инфекций. Единственной защитой от вирусного гриппа может быть только соответствующая прививка.

В результате стресса можно заболеть гриппом?

Да, но не в буквальном смысле. Длительное напряжение ослабляет защитные силы организма, это известно давно. А теперь понятна и причина этого явления. Организм, чтобы преодолеть стресс, среди прочих гормонов начинает в больших количествах производить и гормон кортизол. Но постоянно повышающийся в организме уровень кортизола ослабляет иммунную систему, и бактериям становится легче проникать в него и вредить организму. Поэтому, находясь в состоянии стресса, человек заболевает быстрее.

Как укрепить иммунитет?

Лучший тренинг иммунной системы — водные процедуры. Они активизируют кровообращение, сосудистую и иммунную системы и таким образом помогают легче переживать «простудные» времена и эпидемии гриппа. Раз или два в неделю ходите в баню. Эксперименты показали, что после посещения бани в человеческом организме повышается количество антител. Это происходит потому, что внутренняя температура тела во время банных процедур повышается на один градус. Иммунитет хорошо укрепляет контрастный душ, который нужно принимать каждое утро. Три раза меняйте во время приема душа температуру воды с горячей на холодную. Горячая фаза должна длиться около двух минут, холодная — максимум десять секунд. Завершайте душ холодной водой, затем хорошенько разотритесь полотенцем.

Способны ли витамины защитить от гриппа?

Зимой организм получает меньше жизненно важных витаминов, поэтому для укрепления иммунной системы в холодное время года имеет смысл принимать витаминные препараты. Особенно хороши витамин С и мультивитамины. Если вы вдруг почувствуете, что все-таки подхватили инфекцию, то начинайте принимать для профилактики витамин С высокой дозировки.

Нужно ли сразу же сбивать температуру лекарствами?

Многие больные сразу же начинают принимать таблетки. Но в самом начале болезни организму это не нужно. Сбивая температуру, вы лишаете организм шанса активизировать иммунную систему. Поэтому на ранней стадии гриппа медикаменты, снижающие температуру, в общем-то, не нужны, их следует принимать только в том случае, если температура поднимется выше 39. С меньшей температурой лучше лечиться традиционными домашними средствами.

Какие домашние средства помогут при гриппе?

Обертывания и чай. Обертывания на икры и грудь по Кнейпу состоят из трех слоев: на кожу кладется грубое льняное полотенце, увлажненное водой 18—20 градусов. Сверху — сухая хлопчатобумажная ткань, а затем кусок шерстяной или фланелевой ткани, которая должна быть на 2—3 см уже, чем ткань в середине. Обертывания применяются исключительно для снижения температуры, и только в том случае, когда пациент потеет. Очень часто больного с высокой температурой нужно просто заставить пропотеть. Такого эффекта легко добиться при помощи чая с медом или малиной. И обязательно принимайте витамины, содержащие цинк.

Подготовил Б. СЕРГЕЕВ.

СКАНВОРД

					Ҳаё, шарм	Отчопар (русча)		Кўкрак нишони		Ўрта Осиёдаги давлат
	Май ичиш идиши, жом		10 суткалик вақт	Ўзбек адиби Абдулла ...						
						Четдан келтирилган товар		Мусиқий нота		
	Ўрта ўқув юрти		Дон дарёси ирмоғи							
					Украинадаги шаҳар	Бастакор ... Зокиров				
Кам топиладиган	Мирзо Абдуқодир ...		Бориб-борибниҳоят						Виждонсиз	
	Хонанда ... Иброҳимов	Мадҳия	Эълон қилмоқ — ... солмоқ						Қадимги Рим императори	
						Фойдали ҳашарот			Мусаффо	
	Металл ҳалқалар тизмаси						Россия авиа русуми			
				Ҳинд актёри ... Капур					Қасам	
	Тутқун		Янги униб чиққан ўт					Қуш уяси		

Тузувчи: Акрамжон Хўжамов

Бош муҳаррир
ўринбосари
подполковник
Худойназар
ЖУМАНАЗАРОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам, субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-80; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Отпечатано в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 014.